

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни қўллашнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритилган. Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни қўллашда ҳуқуқий асослар ва назарий таҳлиллар кўрсатилган.

Таянч сўзлар: рақамли иқтисодиёт, ақлли қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, агрофизик.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 20236,3 минг гектарни, шундан ҳайдаладиган ерлар 3 988,5 минг гектарни, кўп йиллик дарахтзорлар 383,1 минг гектарни, бўз ерлар 76 минг гектарни, пичанзор ва яйловлар 11 028,3 минг гектарни, бошқа ерлар 4 760,4 минг гектарни ташкил қилади.

Республика аҳолиси сонининг юқори суръатлар билан ўсиб бориши, қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа тоифага ўтказилиши ва глобал иқлим ўзгариши таъсирининг кескинлашуви оқибатида охириги 15 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдонлари ўлчами 24 фоизга (0,23 гектардан 0,16 гектаргача), ўртача йиллик сув таъминоти даражаси эса 3 048 метр кубдан 158,9 метр кубгача қисқаришга олиб келди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО) прогнозларига кўра, аҳоли сонини ўсиши билан аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги ерлари кескин камаймоқда. Шу муносабат билан ўсиб бораётган дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш учун 2050 йилга келиб фермерлар деярли бир ярим баравар кўп ҳосил олишлари керак.

Қишлоқ хўжалигида ахборот технологиялардан фойдаланиш ҳисобига экин ва тупроқ мониторинги ва автоматлаштирилган суғориш тизими ўғит, пестицидлар ва сувдан самарали фойдаланишга имкон бериб, исрофгарчиликни камайтиришга ёрдам беради. Ақлли технологиялардан фойдаланишнинг яна бир энг катта афзалликлари шундаки, маълумотлар домий равишда сақланади. Шу муносабат билан, “ақлли” қишлоқ хўжалигини жорий этиш қишлоқ хўжалигини фаолиятини автоматлаштириш, маҳсулот ҳажми ва сифатини ошириш ва харажатларни камайтириш имконини беради.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, қишлоқ хўжалигида робот тизимлардан фойдаланиш қуйидагиларга имкон беради:

- ёқилғи-мойлаш материалларини сарфи, сув ва электр энергиясининг камайиши ҳисобига бизнес жараёнларининг самарадорлигини ўртача 50-70 фоизга оширади;

- асосий иш жараёнларини оптималлаштириш ҳисобига ҳосил йиғим-терими сифатини ошириш ва қишлоқ хўжалигидаги йўқотишларни 60-80% гача камайтиради;

- ҳосилдорликни 1,5-2 мартага оширишга эришилади;

- экин экиш билан боғлиқ ишларнинг нархини 80% гача камайтириш имконини беради.

Шундай қилиб, “ақлли” қишлоқ хўжалиги ҳозирги даврнинг қийин вазифасидир, аммо қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлабчиқарувчи “ақлли” технологияларни жорий этишга қўшилиши учун у мотивацияга эга бўлиши керак, бундан ташқари “ақлли” технологияларни ҳар қандай техник хатолар ва носозликларни тузатишга қодир бўлган малакали мутахассисларсиз амалга ошириш мумкин эмас, шунинг учун “ақлли” технологияларни жорий қилиш учун ақлли истеъмолчи керак бўлади.

Республикамизда бу борада кейиги йилларда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисидаги қарорида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонида “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон фармаонда 2020-2030 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Стратегиясида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 9 та устувор йўналиши белгилаб берилган¹¹:

Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш, соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестицион жозибадорликни ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш, тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш, қишлоқ хўжалиги илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш, тармоқ статистикаси ва маълумотлар йиғишнинг шаффоф тизимларини ишлаб чиқиш. Дехқонлардан бошлаб фаолияти экспортга йўналтирилган йирик корхоналарни, соҳанинг барча иштирокчиларини ҳозирги кунда ўйлантираётган кўплаб долзарб масалаларни қамраб олган. Стратегияда белгилаб берилган ислохотларни амалга ошириш учун қисқа 10 йил белгилаб олинган бўлиб, бу ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эга бўлишига ва соҳани қудратли иқтисодий ва стратегик ривожлантириш учун имконият ва истиқболларни очишига имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил- "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 2 март куни “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонни эълон қилинди. Дастурда Қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиш алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида рақамли технологиялардан фойдаланиб ақлли қишлоқ хўжалиги (Smart Agriculture) жорий этилмоқда. Қишлоқ хўжалик тармоқларидан бири боғдорчилик мисолида оладиган бўлсак, боғдорчиликда ақлли қишлоқ хўжалиги (Smart Agriculture)дан фойдаланиш қуйидаги босқичларини ўз ичига олади:

1. Боғлар ва резавор майдонларининг электрон хариталарини яратиш.

¹¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” фармони.

2. Боғлар майдонларининг маълумотлар базасини шакллантириш (ҳосилдорлик, майдон, агрофизик ва агрохимёвий хусусиятлар, мева ва мева экинларининг ривожланиш даражаси).

Мева экинларининг ривожланишини кузатиш космик суратлар ёрдамида амалга оширилади. Кейин уларнинг асосида ўсимлик ва ривожланиш карталари қурилади. Ҳар бир участкада махсус қурилмалар ёрдамида тупроқнинг ҳарорати, шамолнинг тезлиги, ҳаво юзаси қатлами, ёғингарчилик миқдори ва бошқалар қайд этилади.

Ихтисослаштирилган дастурий таъминот ёрдамида технологик харитаси (ишлов беришдан ўрим-йиғимгача) тўлдирилади ва иқтисодий ҳисоб-китоблар ва умумий маълумотлар чиқарилади.

3. Дастур қарорларни қабул қилиш учун визуал шаклларни таҳлил қилади ва таъминлайди.

4. Қабул қилинган қарорларга кўра, мева-резавор мева экинларини табақлаштирилган усулда қайта ишлаш учун қишлоқ хўжалик бўлимларининг роботлаштирилган қурилмаларига юкланадиган чип-карталарда буйруқлар чиқарилади.

Бинобарин, бошқарув жараёни соддалашади, бу эса мутахассисларга тез ва етарли даражада қарор қабул қилиш ва вазиятни тўғрилаш имконини беради. Натижада тежамкор технологияларнинг қўлланилганлиги сабабли ўсимликларни ҳимоя қилувчи воситалари ҳамда энергия ташувчилар тежалашади. Бутун ишлаб чиқариш цикли электрон тарзда кузатилади ва ҳужжатлаштирилади. Бу ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида юқори сифатли мева ва резавор маҳсулотларни етиштиришни таъминлайди. Хулоса қилиб айтадиган бўлса мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда “Ақлли ва рақамли қишлоқ хўжалиги” технологиясини жорий этиш, унинг техник воситалари ва технологик ускуналарни ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштиришга эришишталаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” фармони. <https://www.lex.uz/docs/4567334>

2. Фуломов С.С. Рақамли иқтисодиётда блокчейк технологиялари. Ўқув қўлланма. 2019. 443 бет.

3. Тешабоев Т.З. Отақўзиева З.М. Ахборотлашган иқтисодиёт. Тошкент, 2017. 365 бет.

Н.А. Юлдашева
Фарғона политехника институти, Фарғона, Ўзбекистон
nilush1986@bk.ru

КОРХОНАЛАРДА ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Аннотация. Ушбу мақолада корхоналарда инқироз ҳолатларини баҳолаш, инқироз ва банкротликнинг фарқли жиҳатлари ёритиб берилган. Банкротлик турлари, босқичлари, банкротликка олиб келувчи омиллар тавсифланган, банкротликни бартараф этиш бўйича таклифлар келтирилган.

Таянч сўз ва иборалар: инқироз, банкротлик, банкротлик институти,